Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

1998 йил 25 февраль чоршанба

Сотувда эркин нархда. № 41 (1822)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

АКАДЕМИК ЛИЦЕЙЛАР ВА КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА УЛАРНИНГ ФАОЛИЯТИНИ БОШҚАРИШ ТЎҒРИСИДА

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган вазифаларни рўёбга чиқариш, шунингдек академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларини ташкил этиш, уларнинг фаолиятини йўлга қўйиш ва мувофиқлаштириш, уларда баркамол, чуқур билимларга эга бўлган малакали кадрлар тайёрланишини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази (бундан кейин Марказ деб аталади) ташкил этилсин.

Қуйидагилар Марказнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

ўрта махсус, касб-ҳунар таълими фаолиятини мувофиқлаштириш ва бошқариш;

академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларининг турлари ва йўналишларини белгилаш, уларнинг республика минтақаларининг жуғрофий, демографик ва ижтимоий-иқтисодий хусусиятларини, шунингдек ўқувчиларни оиладан ажратмай тўлиқ қамраб олишни ҳисобга олган ҳолда оқилона жойлаштирилишини таъминлаш;

лицейлар ва коллежларни лойиҳалаштириш ва қуриш юзасидан бош буюртмачи вазифаларини бажариш. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг таълим муассасаларига айлантириладиган мавжуд ўқув юртларининг сифатли реконструкция қилинишини ва тўлиқ тузатилишини таъминлаш;

давлат таълим стандартлари ишлаб чиқилиши ва уларнинг амалга оширилиши устидан назоратни таъминлаш;

академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари педагог ва муҳандис-педагог кадрларини танлаш, тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, фаолияти сифатини ва малака даражасини назорат қилиш;

малакали кадрлар тайёрлаш бўйича жаҳон ва мамлакатимизнинг илғор тажрибаларини таҳлил қилиш ва умумлаштириш, ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг моддий ва таълим базаси сифатига қўйиладиган талабларни ишлаб чиқиш;

академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларини ахборот билан таъминлаш, янги дарсликлар, ўқув қўлланмалари илғор педагогик ва ахборот технологияларини яратишни ва ўқув жараёнига жорий этишни ташкил қилиш;

ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари фаолиятини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш;

академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларини моддий-техника жиҳатидан таъминлаш.

2. Олий ва ўрта махсус таълими вазирининг биринчи ўринбосари — Марказ раҳбари лавозими жорий этилсин.

3. Марказ тузилмаси, ходимлари сони ва штатлар жадвали 60 кишидан иборат этиб тасдиқлансин, шу жумладан 35 нафари вазирликлар, улардан: 3 нафари Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, 14 нафари Халқ таълими вазирлиги, 18 нафари Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳисобидан киритилади.

Белгиланснки, Марказ юридик шахс ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги бир ҳафта муддатда Марказ тўғрисидаги Низомни ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ҳудудий бошқармаларини ташкил этсинлар, уларни маблағ билан таъминлаш, жойлаштириш ва моддий-техникавий жиҳозлашни таъминласинлар.

Қуйидагилар ҳудудий бошқармаларнинг асосий функциялари ва вазифалари этиб белгилансин:

ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими муассасаларининг фаолиятини мувофиқлаштириш, бошқариш ва услубий таъминлаш;

давлат таълим стандартларини амалга ошириш;

академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари биноларидан ҳамда иншоотларининг янгидан қурилишини, реконструкция қилинишини ташкил этиш ва назорат қилиш;

ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими муассасаларининг, мулкчилик шаклларидан қатъи назар, кадрлардан фойдаланувчи корхоналар билан интеграциясини таъминлаш, ҳомийлик ва васийликни ташкил этиш;

минтақанинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини ҳисобга олган ҳолда янги академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларини ташкил этиш ҳамда мавжудларини қайта ташкил этиш юзасидан таклифлар тайёрлаш;

таълим муассасаларини дарсликлар, ўқув адабиётлари ва дидактик материаллар, компьютер техникаси билан таъминлаш ва жиҳозлаш.

5. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ҳудудий бошқармаларининг намунавий тузилмаси ва ходимлари сони тасдиқлансин.

Белгиланснки, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ҳудудий бошқармалари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари таркибида ташкил этилади ҳамда айни бир вақтда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига (Марказга) бўйсунади.

Ҳудудий бошқармаларни Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармаларининг тугатилаётган касб-ҳунар-техника бўлимлари ва услубиёт хоналари ходимлари ва маблағлари ҳисобидан ташкил этиш таъминлансин.

6. Белгиланснки:

ўрта махсус ва касб-ҳунар-техника таълимининг фаолият кўрсатаётган таълим муассасаларининг ҳамда улар негизида ташкил қилинаётган академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари фаолиятига ташкилий, ўқув-услубий ва илмий раҳбарлик қилиш, давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш, ўқув дастурларини унификациялаш, педагогик кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига юкланади;

фаолият кўрсатаётган ўрта махсус таълим муассасалари ва улар негизида ташкил қилинаётган Маданият ишлари вазирлигининг, Бадиий академиянинг, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг касб-ҳунар коллежлари уларнинг тасарруфида қолади;

(Давоми 2-бетда).

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

24 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов мамлакатимизга расмий ташриф билан келган Грузия парламенти Раиси З.Жванияни қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбари меҳмонни диёримизга ташрифи билан қутлар экан, ўзбек ва грузин халқлари ўртасидаги дўстлик алоқалари узоқ асрларга бориб тақалишини таъкидлади.

Грузин халқининг ўз мустақиллигини мустаҳкамлаш йўлидаги саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлаймиз,—деди Ислом Каримов.

Суҳбат чоғида икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик ришталари тобора мустаҳкамланиб бораётгани қайд этилди. Айни пайтда бундай алоқаларни янада кенгайтириш учун ҳали тўла фойдаланилмаётган имкониятлар мавжудлигига эътибор қаратилди. Бундай имкониятларни ишга солишда парламентлараро алоқаларнинг муҳим ўрин тутиши алоҳида таъкидланди.

Қабул маросимида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси Эркин Халилов иштирок этди.

Қабул маросимида Грузиянинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Гиви Абдушелишвили ҳозир бўлди.

(ЎзА)

***СУРАТДА:** қабул пайти.*

Р. ЖУМАНИЁЗОВ олган сурат.

МУАММО, МУЛОҲАЗА, ТАКЛИФ

АТЛАС КИЙСА ЎЗБЕК ҚИЗЛАРИ...

Жуда яраша́ди! Тўғрими?

Аммо, афсуски, кейинги йилларда ана шу ажойиб ипак матодан либос тикиб кийиш урф (мода)дан қолиб бораяпти, чамаси. Бунга нима сабаб? Ёки матонинг нархи ошиб кетдими? Балки асрлар давомида қадрланиб келган асл ипак бугунги кун талабига жавоб бермай қолгандир?

Ҳар ҳолда бугун аёлларимиз либосларининг олди ҳисобланиб келган атласнинг қадри тушгандай...

Қадимдан қўли гул ҳунармандлар юрти сифатида шуҳрат қозонган Марғилон шаҳридаги хонатлас тўқийдиган машҳур корхонада бўлганимизда, юқоридаги саволларга жавоб топишга ҳаракат қилдик.

Жаҳонда ягона (!) ҳисобланган ушбу корхонанинг бугунги иқтисоди ўта танг аҳволда. Асосий воситалари нархи 144 миллион сўм (1995 йил баҳосида) турувчи жамоанинг турли ташкилот ва идоралардан қарзи 210 миллион сўмдан ошиб кетган. Сабаблари эса... жуда кўп. Уларни санаб ўтишдан аввал корхона тарихига бироз тўхталишни лозим топдик.

1963 йилда шаҳардаги «Ватан», «Байналмилал», Охунбобоев номли ипак тўқиш ҳамда бадиий фабрикалари жамоалари бирлаштирилиб, «Атлас» фирмаси ташкил этилди. 1965-1986 йиллар мобайнида бу фирма тўлиқ қайта таъмирланиб, йирик ишлаб чиқариш бирлашмасига айлантирилди. Шу йиллар мобайнида корхонада ўртача 8-9 минг одам ишларди. Йиллик қуввати эса 15 миллион квадрат метр шойи газлама, 4 миллион дона шартли ип ғалтаги, 500 мингта кийим-кечак тайёрлаш имконини берар эди. Гигант корхонага Фарғона, Урганч, Шаҳрисабз, Бухоро, Самарқанд, Булоқбошидаги фабрикалар, Фарғона кимёвий толалар, Красноярск вискоза заводлари, Фарғона ва Риштон тўқимачилик корхоналари хомашё етказиб турарди.

(Давоми 2-бетда).

ГРУЗИЯ ПАРЛАМЕНТИ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ТАШРИФИ

24 февраль куни Грузия парламенти Раиси З.Жвания бошчилигидаги шу мамлакат делегацияси Олий Мажлиснинг таклифига мувофиқ бир кунлик визит билан Ўзбекистонга расмий ташриф буюрди.

Шу куни Грузия парламенти делегацияси аъзоларини Олий Мажлис Раиси Э.Халилов қабул қилди. Олий Мажлис Раиси мустақиллик йилларида қонунчилик асосларини яратишда Ўзбекистон танлаган йўл, бу борада орттирилган тажриба ҳақида гапириб, халқаро алоқалар парламентлар ишини бойитаётганлигини таъкидлади. Ўзбекистондаги барқарорлик, Президент И.Каримов бошчилигида юритилаётган оқилона сиёсат туфайли ҳозирги ўтиш даврида иқтисодиётнинг кескин оқсашига йўл қўйилмади, мамлакат иқтисодиётини юксалтирадиган бир қанча йирик саноат корхоналари қаторида жамиятнинг маънавий қиёфасини белгиловчи, ижтимоий йўналишдаги объектлар, хусусан, Олий Мажлиснинг ушбу муҳташам биноси барпо этилди, деб қайд этди у.

Грузия парламенти Раиси З.Жвания иккала мамлакат ўртасида дўстона алоқаларни ривожлантириш, тажриба алмашиш фойдали эканлигини айтди. Ушбу ташриф мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни янги босқичга кўтаради, деб умид билдирди.

Учрашувда Олий Мажлис Раисининг ўринбосари А. Қосимов қатнашди.

Учрашувда Грузиянинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Г. Абдушелишвили ҳозир бўлди.

(ЎзА)

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА УЧРАШУВ

Расмий ташриф билан мамлакатимизга келган Грузия парламенти Раиси З.Жвания раҳбарлигидаги делегация аъзолари 24 февраль куни Бош вазир Ў.Султонов билан учрашди.

Учрашувда меҳмонларга юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёни ҳақида сўзлаб берилди, Ўзбекистон билан Грузия ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари тобора кенгайиб бораётгани таъкидланди.

Суҳбат чоғида томонларни қизиқтирган масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Учрашувда Олий Мажлис Раисининг ўринбосари А. Қосимов иштирок этди.

Учрашувда Грузиянинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Г.Абдушелишвили ҳозир бўлди.

* * *

Грузия парламенти Раиси раҳбарлигидаги делегация аъзолари Олий Мажлис Раисининг ўринбосари А.Қосимов ҳамроҳлигида Тошкентдаги Алишер Навоий номидаги Миллий боққа ташриф буюрди.

Бу ерда З.Жвания ғазал мулкининг султони, ҳазрат Алишер Навоий ҳайкали пойига гул қўйди.

(ЎзА)

ИККИНЧИ БОСҚИЧ МАШҒУЛОТЛАРИ БОШЛАНДИ

Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида Олий Мажлис кўмиталари раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, вилоят ҳокимларининг ҳамда вазирлик ва идоралар, уюшма ва компаниялар раҳбарлари ўринбосарлари ҳамда туман ҳокимларининг қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни жадаллаштириш масалалари бўйича ўқув машғулотларининг иккинчи босқичи бошланди.

Машғулотларни республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков кириш сўзи билан очди.

Машғулотларда давлатимиз раҳбари Ислом Каримов иқтисодиётимизнинг муҳим тармоғи — қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш ва унинг самарадорлигини ошириш масалаларига катта эътибор бераётгани таъкидланди. Зеро, мамлакат тараққиёти, халқимиз фаровонлиги ана шу тармоқнинг изчил ривожига боғлиқдир. Кейинги йилларда унинг барча соҳаларида маҳсулот етиштириш ҳажми анча ўсди, қишлоқ инфраструктураси шакланмоқда. Тармоқда ислоҳотларни янада жадаллаштириш лозим. Бу борадаги ишларнинг муваффақияти кўп жиҳатдан барча босқичдаги раҳбарларнинг ташкилотчилиги ва ташаббускорлигига боғлиқдир. Шу боис кадрларни танлаш, тарбиялаш ва жой-жойига қўйиш масалалари алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Тингловчилар беш кун давомида машғулотларда қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга доир қонун ҳужжатларининг лойиҳаларини ўрганадилар, улар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирадилар.

Машғулотлар дастлаб Ўзбекистон Республикаси Ер кодекси лойиҳасини атрофлича ўрганиб, муҳокама қилишдан бошланди. Ўзбекистон Республикаси Президенти девони қонунчилик ва суд ҳокимияти органлари билан алоқалар бўйича экспертлар гуруҳи раҳбари Й. Назаров ва бошқалар шу лойиҳа хусусида сўзга чиқдилар.

Машғулотда республика Бош вазирининг ўринбосари А.Азизхўжаев қатнашди.

(ЎзА)

ЯКУН ВА ТАҲЛИЛ

РАҲБАРЛИК ҲАМ САНЪАТ

Қишлоқ аҳолисининг фаровонлиги далаларда етиштириладиган маҳсулотлару ундан келадиган даромадга боғлиқ. Буни биринчи навбатда хўжалик раҳбари ҳис этмоғи керак. Хўш, шундай одам борми? Термиз туманидаги «Халқобод» жамоа хўжалиги аъзолари бу масалага жиддий ёндашиб, ниҳоят, Бахтиёр Қурбонов номзодига тўхталдилар. Нима учун? Шунинг учунки, унинг отаси, марҳум Бекхон Қурбонов мазкур хўжаликка узоқ йил раҳбарлик қилиб оёққа турғазган, кўплаб хайрли ишларни амалга оширган эди. «Отанинг боласи, ишни эплаб кетади», дейишди улар.

Бахтиёр тумандаги обрўли бир ташкилотда ишлар, елдек учадиган хизмат машинаси бор эди. Аммо отаси билан бирга ишлаган оқсоқолларнинг раъйини қайтаролмади: 1992 йилнинг сўнгги ойида уни раисликка сайладилар.

Бахтиёр Қурбонов масъулиятли вазифани зиммасига олишга олди-ю, хато қилганини сўнгроқ пайқади. Колхоз бу қадар ночор аҳволга тушиб қолганини билмаган экан. Хўжаликнинг банкдаги ҳисобида айтишга арзигулик пул йўқ, вилоят маркази ёнгинасида жойлашган қишлоқларда эса на газ, на сув бор. Энг ачинарлиси, дурустроқ даромад ололмаётган деҳқонларнинг қўли ишдан совий бошлаганди.

Бунинг сабабларини янги раис обдон ўрганиб чиқди. Бир бригадада 50-60 киши ишлар, кимнинг қандай меҳнат қилаётгани сезилмас, иш ҳақи ҳаммага деярли бир хил тақсимланар, бу текисчилик одамлардаги изланувчанлик ва ташаббускорликни бўғиб қўйган эди. «Оилавий пудратни қўлласак, ҳар ким ўзи учун ишлайди, ўз оиласи шаъни учун курашади», деган қарорга келди у.

Бироқ ҳар қанча ташвиқот қилинмасин, 1993 йили колхоз бўйича бор-йўғи 8 та оила пудрат усулида ишлади. Бошқаларга намуна бўлиш ниятида Бахтиёр Қурбонов ҳам оила аъзолари билан 3 гектар майдонда ғўза ўстирди. Якунда эса 8 та оилавий жамоанинг ҳаммаси колхоз кўрсаткичига нисбатан икки баравар кўп ҳосил олиб, пудратнинг ҳар томонлама афзаллигини исботлади. Натижада 1994 йили пудратчилар сони 36 тага, 1996 йили 360, ўтган йили эса 549 тага етди.

• Жамоа хўжалигининг 165 нафар аъзосига 1 миллион сўм мукофот улашилди.

• Механизатор Тоҳир Аннаевга — енгил машина

• Пудратчилар Ойша Пиримкулова, Назар Жабборов, Мансур Жумаев, Сафаргул Маматқулова ва бошқаларга эса рангли телевизорлар, гиламу палослар насиб этди.

Бахтиёр Қурбонов фақат иш юритиш усулини ўзгартириш билан кифояланмади. Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга ҳам алоҳида эътибор берди. «Учқизил» сув омбори анча баландда жойлашган эмасми, кейинги йилларда сизот сувлари тупроқ юзасига кўтарилиб, ерни шўрлатиб юборган эди. Раиснинг ташаббуси туфайли 700 гектар ер текисланиб, ўн чақирим узунликда янги зовурлар қазилди, мавжудлари тозаланди. Бу юмушларни бажаришда, албатта, деҳқончилик-саноат уюшмаси ҳам, «Сурхонсувқурилиш» трести ҳам кўмаклашишди. Самарами?

Ойша Пиримқулова бошлиқ звено бултур хўжаликдан 1,5 гектар ерни ижарага олиб ғўза парваришлади. Звено асли уч кишидан иборат. Шундай бўлса-да, улар худди ўз томорқаларидагидек ишладилар. Ҳар туп ғўза меҳр ва ардоқда бўлди. Йил охирида гектар ҳисобига 25 центнер ўрнига 42,5 центнердан ҳосил йиғиштириб олинди. Ваҳоланки, икки-уч йил илгари шу далаларда ҳосилдорлик 25-28 центнердан ошмаган эди.

Энди буёғини эшитинг: пахтачиликдан 95,4 минг сўм ўрнига 184 минг сўм даромад қилинди. Унинг 90 минг сўми оилага тегди. Сафаргул Маматқулова бошлиқ пудратчилар ҳар гектар майдондан 45, Барно Маматқулова етакчи бўлган пудрат аъзолари эса 64 центнердан хирмон кўтаришди.

«Халқобод» жамоа хўжалиги бўйича ўтган йили пахта тайёрлаш режаси 8 октябрда Сурхондарёнинг жанубий туманлари жамоалари ўртасида биринчи бўлиб бажарилди. Давлатга 1900 тонна «оқ олтин» сотилди. Ҳосилдорлик 38 центнердан ошди.

Бу ерда қўлланилаётган оилавий пудратни мутахассислар бригада-звено пудрати, деб аташмоқда. Масалан, Бобожон Жўмартов бошлиқ бригадада 90 гектар майдон 86 та оилавий пудратчига бўлиб берилган бўлиб, улар ва хўжалик ўртасида шартнома тузилган. Бригадир эса фақат ана шу шартнома шартлари қатъий бажарилишини назорат қилиб, техника, ўғит, сув масаласини ҳам ҳал этади.

Шартнома муддати беш йил этиб белгиланган. Унга кўра, оилавий звено мўлжалдаги ҳосилни етиштирмаса, шартнома бузилади: ер бошқа деҳқонга ижарага олиб берилади. Шу боис ҳар бир оила янада яхшироқ ишлаш, кўпроқ ҳосил олиш ва ердан самарали фойдаланиш чораларини кўраяпти.

Хўш, бошқа тармоқларда аҳвол қандай? 1992 йили колхоз бўйича 300 тонна ғалла ишлаб чиқарилганди. Бултур 790 гектар ердан 2500 тоннадан зиёд дон йиғиштириб олинди. Шунинг 1760 тоннаси давлатга сотилиб, қолгани пудратчиларга 50 килограммдан тарқатилди. Жорий йилда эса улар 800 гектар майдондан 3 минг тонна ғалла етиштиришни режалаштирмоқда.

Юқорида биз тўрт йил аввал қишлоқлар газлашмагани, хонадонларга тоза ичимлик суви келтирилмаганини таъкидлагандик. Ўтган қисқа муддатда бу муаммолар ҳам тўлиқ ҳал этилди. Эндиликда эса янги мактаб ва қишлоқ врачлик пунктлари биноларини қуриш юзасидан иш олиб борилаяпти.

Яқинда бу хўжаликда ҳисобот йиғилиши бўлиб ўтди. Унда 1997 йили жами 10 миллион сўмдан зиёд соф фойда кўрилгани қайд этилди. Абдулла Саидқулов, Бахтиёр Мирзаев, Аҳмад Ғуломов бошлиқ оилавий пудратчиларнинг йиллик даромади эса 110-115 минг сўмни ташкил этибди. Йиғилиш қарорига кўра, жамоанинг 165 нафар аъзосига мукофот тариқасида 1 миллион сўм тарқатилди. Механизатор Тоҳир Аннаевга енгил машина, кўплаб пудратчиларга эса рангли телевизорлар, гиламу палослар совға қилинди. Меҳнатга яраша даромад деганлари шу эмасми?

— Бу йил бизга «Термиз» жамоа хўжалигини ҳам қўшиб беришди, — дейди бошқарув раиси Бахтиёр Қурбонов. — Мазкур хўжалик субтропик мевачиликка ихтисослаштирилган. Лекин раҳбарларнинг ношудлиги туфайли у иқтисодий ночор аҳволга тушиб қолди. Аслида раҳбарлик ҳам санъат. Бугун бу санъатни пухта эгалламаган одам катта кемадан тушиб қолади. «Термиз»-даги аҳвол буни яна бир карра исботлади.

Биз анъанамизга содиқ қолиб, янги участкадаги 22 гектар лимонзорни оилавий пудратчиларга бўлиб бердик. Боғларни ҳам энди оилавий пудрат аъзолари парвариш қиладилар. Ҳали кўрасиз, лимонзорлару боғларни ҳам даромад манбаига айлантирамиз.

У. НОРМАТОВ, И. ЎТБОСАРОВ.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг
ҚАРОРИ

АКАДЕМИК ЛИЦЕЙЛАР ВА КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА УЛАРНИНГ ФАОЛИЯТИНИ БОШҚАРИШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

ўрта махсус ва касб-ҳунар-техника ўқув юртлари ҳамда уларнинг негизида ташкил этилаётган тармоқ вазирликлари, идоралар, корпорациялар, концернлар, уюшмалар ва корхоналарнинг касб-ҳунар коллежлари икки томонлама бўйсунишда бўлади. Тармоқ вазирликлари, идоралар, корпорациялар, концернлар, уюшмалар ва корхоналар уларни моддий ва молиявий таъминлашни, ўқувчиларни касб-ҳунарга ўргатишни ва Уларда амалий кўникмаларни тарбиялашни амалга оширадилар, мутахассисларга бўлган эҳтиёжни аниқлайдилар, битирувчиларни ишга жойлаштириш масалаларини ҳал қиладилар;

вазирликлар, идоралар ва корхоналар маблағлари ҳисобига таъминланадиган ўқув юртлари бўйича маблағ билан таъминлашнинг мавжуд тартиби сақланиб қолади.

7. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги икки ҳафта муддатда:

Ўзбекистон Республикасида ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тўғрисидаги Низомни ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин;

академик лицей ва касб-ҳунар коллежи намунавий уставларини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин;

тармоқ вазирликлари, идоралар, корпорациялар, концернлар, уюшмалар ва корхоналар билан биргаликда икки томонлама бўйсунишдаги касб-ҳунар коллежларининг намунавий уставини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

1998 йилда тажриба тариқасида ташкил этиладиган академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари рўйхатини аниқласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Давлат тест маркази академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларига ўқувчилар қабул қилиш тартибини икки ой муддатда ишлаб чиқсинлар ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсинлар.

9. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги вазирликлар, идоралар ва ташкилотлар билан биргаликда, мулкчилик шакларидан қатъи назар, барқарор ишлаётган корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг айримларини ташкил этилаётган касб-ҳунар коллежларига васий этиб белгиласинлар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси назоратни таъминласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Фанлар академияси:

касб-ҳунар коллежлари устидан тегишли ихтисосликдаги олий таълим муассасалари, академик лицейлар устидан эса — Фанлар академиясининг институтлари ҳомийлигини таъминласинлар;

касб-ҳунар коллежи васийси тўғрисидаги Низомни, шунингдек академик лицей ва касб-ҳунар коллежи ҳомийси тўғрисидаги Низомни икки ой муддатда ишлаб чиқсинлар ва белгиланган тартибда амалга киритсинлар.

11. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими учун педагог ва муҳандис-педагог кадрларни мақсадли тайёрлашни таъминласин.

Касб-ҳунар коллежлари учун малакали педагог ва муҳандис-педагог кадрлар тайёрлаш бўйича базавий олий таълим муассасалари сифатида Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институти, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти ва Наманган индустриал-технология институти белгилансин.

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетига ва Наманган индустриал-технология институти Наманган муҳандислик-педагогика институтига айлантирилсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг ташкил этилаётган Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тасарруфига берилсин.

13. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг сифатли таълим ва касб-ҳунар дастурларини яратиш, илғор илмий ва услубий ютуқлар асосида сифатли кадрлар тайёрлаш мақсадида Касб-ҳунар таълими институти ва Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Республика касб-ҳунар-техника таълими ходимларининг малакасини ошириш институти негизида Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш институти ташкил этилсин, у Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига бўйсундирилсин.

14. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш институти Касб-ҳунар таълими институти ва Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Республика касб-ҳунар-техника таълими ходимлари малакасини ошириш институтининг ходимлари сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида ташкил этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Касб-ҳунар таълими институти, Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Республика касб-ҳунар-техника таълими ходимлари малакасини ошириш институти штатларини, мол-мулкини ва молиявий маблағларини Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш институти балансига берсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Молия вазирлиги, Фан ва техника давлат қўмитаси билан келишган ҳолда Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш институти тўғрисидаги Низомни, унинг илмий тадқиқотлар дастурини ва маблағ билан таъминлаш ҳажмларини бир ой муддатда ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

16. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

тегишли вазирликлар ва идоралардан берилаётган штатларни, меҳнатга ҳақ тўлаш фондини ҳамда бошқа харажатларни ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази харажатлари учун республика бюджетида зарур маблағларни назарда тутсин;

Марказга иккита енгил автомашина учун лимит ажратсин, "Тошшаҳарйўловчитранс" давлат уюшмаси транспорт хизмати кўрсатишни таъминласин.

17. Тошкент шаҳар ҳокимлиги:

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказини Тошкент шаҳар, Мустақиллик майдони, 6-уйдаги маъмурий бинога жойлаштирсин;

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш институтини Тошкент шаҳар, Пушкин кўчасидаги 7-уйга жойлаштирсин.

18. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ў.Султонов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1998 йил 24 февраль.

АТЛАС КИЙСА ЎЗБЕК ҚИЗЛАРИ...

(Давоми. Боши 1-бетда).

— Ҳозир мавжуд имкониятларимизнинг 30 фоизи даражасида ишлаяпмиз, — дейди «Марғилон хон атласи» ҳиссадорлик жамияти бош иқтисодчиси Тамара Зарецкова. — Сабаби — ҳамкорларимиз бўлган тармоқ корхоналарининг ҳам аҳволи мураккаб. Масалан, Фарғона кимёвий толалар заводи кунига 40 тонна сунъий тола ишлаб чиқариш қувватига эга. Ваҳоланки, бизга йилига 50 тонна шундай хомашё кифоя. Лекин, афсуски, завод ишламаяпти.

— Агар хомашё четдан сотиб олинса-чи?

— Шундай маҳсулот, яъни вискоза Россияда ҳам ишлаб чиқарилади. Аммо уни сотиб олиш учун қатъий валютага эга бўлишимиз керак.

Аслида бундай муаммо бугун бошқа кўплаб ишлаб чиқариш корхоналарида ҳам мавжуд. Бироқ, маълум бўлишича, марғилонлик атласчиларга, ҳатто ўзимизда ишлаб чиқариладиган оддий пилла ҳам етишмас экан. Чунки пилла етиштирувчи хўжаликларга маҳсулотларни эркин сотишга рухсат берилгач, улар хорижий фирмалар билан муомала қилишга ўтиб кетишибди. Тўғри-да, бу фирмалар нақд пул тўлашади. Ҳиссадорлик жамияти эса ҳозирча бундай имкониятга эга эмас. Буёғи бозор иқтисодиёти бўлса...

— Лекин бу билан пилла етиштирувчи хўжаликлар иқтисодиёти гуриллаб кетгани йўқ, — эътироз билдирди бош технолог Эргаш Орипов. — Алам қиладиган жойи шундаки, дунёда энг кўп пилла етиштирадиган хитойликлар ҳам бизнинг пиллаларимизни сотиб олишаяпти.

Хитойликлар анойи эмас. Негаки, жаҳон бозорида табиий матога эҳтиёж йилдан-йилга кучайиб бораяпти. Ипак эса улар орасида энг қадрлиларидан ҳисобланади.

Хўш, вазиятдан чиқишнинг бирон-бир йўли борми?

— Корхонани оёққа турғазиб олишимиз учун 100 миллион сўмдан зиёд имтиёзли кредит зарур, — дейди жамият бошқарувининг раиси Аъзамхон Абдуллаев. — Бусиз бирор натижага эришиш мушкул. Аниқ ҳисоб-китобдан келиб чиққан хулоса бу.

— Бунча маблағни ким бериши мумкин?

— Банклар. Улар бизнинг имкониятларимизни тўлиқ ўрганиб, таҳлил қилиб чиқсалар, сира иккиланмай акцияларимизни сотиб олган бўлардилар. Кредит ажратсалар ҳам зиён қилмайдилар. Балки санацияга тушишимизни, махсус комиссия хулосаларини кутишаётгандир?

— Хорижлик сармоядорлар билан алоқа ўрнатишга ҳаракат қилмадингизларми?

— Биласизми, бу масала билан ҳам шуғулланиб кўрдик. Аммо маҳсулотимиз асосан Марказий Осиё бозорларидагина ўтади, холос. Шу боис улар эътиборини тортиш анча мушкул...

— Демак, маҳаллий бозор ҳамда қўшни мамлакатлар эҳтиёжидан келиб чиқиб мўлжал олиш керак экан-да?

— Биз ҳам худди шундай йўл тутаяпмиз. Кейинги учтўрт ой ичида 9 рангда товланувчи «Хосиятхон», «Сайқал», «Зарнигор», «Дарвоза», «Оқолтин», «Узук кўзи» каби янги моделлар яратдик. Уларга харидорларни ҳам топаяпмиз. Аммо юқорида таъкидланган муаммолар ечим топмаётганлиги туфайли юзлаб дастгоҳларимиз ҳаракатсиз турибди. Агар хомашё етарли бўлса, бир-икки йилда оёққа туриб олиб, фақат фойда олишимиз мумкин.

— Бозор рақобатсиз бўлмайди. Борди-ю, корхона тўла қувват билан ишлаб, ҳар йили 20-25 миллион погон метр атлас тайёрласа, омборлар матога тўлиб кетмайдими?

— Рақобатчилардан кўпам чўчимаймиз. Атлас асосан Наманган ва Марғилон шаҳарларидаги корхоналарда тўқилади. Тўғри, хусусий тадбиркорликка кенг йўл берилгач, маҳаллий ҳунармандлар фаолияти ҳам тезлашиб кетди. Лекин ишончимиз комилки, агар яхши, сифатли маҳсулот ишлаб чиқарсак, қиз-жувонларимиз бизни хафа қилмасалар керак?

Маъқул гап. Ахир шундай ажойиб атласларимиз турганда, минтақамиз табиатига тўғри келмайдиган сунъий матоларга ўралиб юришга не ҳожат? Бундан ташқари, миллий туйғу, ифтихор деган тушунчалар ҳам борку, ахир. Шу ўринда ўзини оқлаган яхши бир тажриба ёдга тушади. Иқтисодий қийинчиликка учраган баъзи мамлакатларда фақат миллий маҳсулотларни харид қилиш ҳаракати кенг қулоч ёйгани тарихдан маълум. Бу ватанпарварлик ташаббуси кўп жойларда ҳамон давом этаяпти. Бир мисол. Асримизнинг 30-йилларида Америка саноати депрессияга учраганида, Японияда иккинчи жаҳон урушидан кейинги оғир кезларда бу мамлакатларнинг фуқаролари асосан маҳаллий маҳсулотларнигина сотиб олганлар. Ҳиндистонликлар эса, мустақилликка эришганларига 50 йилдан ошибдики, ҳамон «Ҳиндмисан — фақат ҳиндлар ишлаб чиқарган молни ол» шиорига амал қилиб келаяптилар. Нима, бизнинг гуруримиз уларникидан камми?!

Гап шундаки, 24 миллион аҳолининг лоақал учдан бир қисми йилига бир кийимлик атлас харид қилса борми... Бу, агар матонинг бир кийимлиги 3-4 метр ҳисобланса, нақ 24-32 миллион погон метр атлас дегани! Қўшни мамлакатлардаги аёллар ҳали бу ҳисобда йўқ.

Гап фақат атласдагина эмас. Саноатимизнинг бошқа маҳсулотларига бир эътибор берайлик. Мамлакатимиз корхоналарининг кўпчилиги кейинги йилларда бутунлай янги технологиялар асосида ишлаяпти. Уларда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифати ҳам, ташқи кўриниши ҳам хорижникидан сира қолишмайди. Аммо биз ҳамон «импорт» касалидан қутула олмаяпмиз. Бутун дунёда табиий маҳсулотларга эътибор кучайган бир пайтда хорижда аллақачон «ўтмас матоҳ» мақомини олган, бироқ кўриниши ялтир-юлтир устбошу буюмларга ўзимизни ураяпмиз. Бундан мамнун бўлган хориж фирмалари эса телевизору радио, газеталарда тинимсиз реклама бериб, ана шу «ўтмас матоҳ»ларини кўкка кўтармоқдалар. Бизникилар эса жим. Реклама қудратини англаб етгунимизча бозорларимизни тўлиқ қўлдан чиқариб қўймасак бўлгани...

Атлас баҳона айтилган фикрларимиз балки баҳсталабдир. Шу боис нозиктаъб опа-сингилларимиз, соҳа мутахассислари, газетхонларимиз ўз мулоҳазаларини ёзиб юборсалар янада яхши бўларди.

Набижон СОБИРОВ,
Темур АБДУРАҲМОНОВ,
«Халқ сўзи» мухбирлари.

ДИҚҚАТ: ЯНГИ ҚЎШМА КОРХОНА

ДАРДИНГИЗГА МАЛҲАМ БЎЛАЙЛИК!

— Хорижлик сармоядорлар тийинни тишида тишлаб муомала қилишга ўрганиб қолишган. Улар фақат бугунни ёки эртани эмас, балки ўн йилликларни назарда тутиб сиз билан ҳамкорлик қилади, — дейди «Лечива-Ўзфармсаноат» ўзбек-чехия қўшма корхонаси бош директори Абдумалик Норқулов. — Қўшма корхона очиш режаси пайдо бўлгач, Оврўпо мамлакатларидан, Ҳиндистондан қатор таклифлар олдик. Биз дунёда ўз маҳсулотлари билан довруғ таратган «Лечива» ҳиссадорлик жамиятини танладик. Илк мулоқатдан сўнг чехлар бир ярим ой давомида ички ва ташқи бозорни, раҳбарлар муносабатини синчиклаб ўрганиб чиқишди.

Ҳолва деган билан оғиз чучимайди. Қўшма корхона тузиш ҳақида ўйлаш, орзу қилиш ғоят мароқли. Бироқ амалдаги ишлар учун беназир ғоя, ташаббус, сармоя зарур. Чехияликлар қўшма корхонанинг низом фондига салкам 1,5 миллион, «Ўзфармсаноат» давлат ҳиссадорлик концерни 238,8 минг АҚШ доллари ўтказдилар. Сирдарё вилояти ижтимоий-таъминот бошқармаси эса нархи 107,5 минг доллар деб баҳоланган бинони ажратди. Уч ой ичида қўшма корхона илк маҳсулотини чиқара бошлади. Ушбу қўшма корхонанинг таваллуд топишига Сирдарё вилоят ҳокимлиги, «Ўзфармсаноат» давлат ҳиссадорлик концерни, республика Ижтимоий таъминот вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги муносиб ҳисса қўшдилар.

Яқинда бир танишим дори излаб қўплаб жойларга борганини, ниҳоят Тошкентдаги хусусий дорихонадан ўта қиммат нархда қидирган малҳамларини топганини куюниб гапириб берганди. Қарангки, ўша танишим излаб оворaю сарсон бўлган дориларнинг кўпчилиги эндиликда Гулистондаги қўшма корхонада ўн баравар арзон нархда ишлаб чиқариляпти.

Мана, уларнинг айримлари: юрак-қон томир касалликларига ишлатиладиган кристипин, гепарин, асаб ва ревматизм хасталикларига асқотадиган пироксикам, оғриқ қолдирувчи тримол, тери касалликларига қарши қўлланиладиган микосептин, кучли антибиотик ҳисобланган амоксицилин ва бошқа кўплаб дори-дармонлар дастлабки мижозларга етиб борди.

Қўшма корхона бош директори Абдумалик Норқуловнинг эътироф этишича, 45 нафар ходимни ишга ўргатиб кетган чехиялик шериклар кўрилган даромаддан ўз улушларини олишга унчалик шошилмаётган эканлар. — Бу биз учун айни муддао бўлди, — дейди у. — Негаки яқин кунлар ичида ўз маҳсулотимизни сотадиган фирма дўконини ва қўшма корхонанинг иккинчи навбатини ишга туширишимиз учун қулай шароит яратилади.

Ўзбек-чехия қўшма корхонасининг маҳсулотига нафақат Ўзбекистонда, балки хорижда ҳам талаб юқори. Бу ҳол юртимизга чет эл валютасининг кириб келишига хизмат қилади. Гулистонда юзлаб одамлар иш билан таъминланади. Энг муҳими, кишилар саломатлигини сақлаш ва яхшилаш учун яна бир жиддий қадам қўйилди. Маълумки, юртимизнинг тоғу даштларида мингга яқин доривор гиёҳлар ўсади. Йил охирига бориб ана шу ўтлардан қўшма корхона учун хомашё тайёрлашнинг йўлга қўйилиши маҳсулот таннархининг янада арзонлашувига олиб келади. Бунинг учун ҳозирда қўшма корхона қатор илмий-текшириш муассасалари, хўжаликлар билан шартномалар тузишга киришди.

Алиқул ХОНИМҚУЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Тўрақўрғон туманидаги «Ширинлик» фирмаси айни кунда Мустақил Ҳамдўстлик Давлатларига 43 турдаги қуруқ мева, полиз, сабзавот маҳсулотларини етказиб бермоқда.
Фирманинг замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланиши, майда қадоқлаш тизими йўлга қўйилганлиги бу ерда ишлар юришиб кетишига сабаб бўлди. Ишчилар учун барча шароитларнинг яратиб берилаётганлиги эса унумдорлик ортишида муҳим омил бўлмоқда.
***СУРАТДА:** қадоқлаш цехи ишчиси Мукаррамхон МАМАЖОНОВА.*
Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

БИР ХАТ ИЗИДАН

ИККИ ЖОН ОВВОРАСИ

Саккиз йилки у ҳаловатини йўқотган. Бошига тушган ташвиш билан овора. Қайданам ёпишди бу фалокат ёш бошига. Ҳануз изтироб чекади.

Фотима Зокирова Ўзбекистон ФА қошидаги «Биолог» илмий текшириш институтида лаборант бўлиб ишлар, ғўзанинг янги нави устида кетаётган тадқиқотларга ҳамнафас эди. У ўз режаси, келажак орзуси билан яшарди. Аммо фалокат оёқ остида деганлари рост экан. Фотима хизмат қилаётган пайтда кўнгилсизлик рўй берди. Иш жойида тан жароҳати олди.

Ўшанда 1991 йилнинг 4 январи эди. Чап қўлининг икки бармоғи фақат терисигагина осилиб қолган Ф. Зокировани 2-ТошМИ касалхонасининг «Қўл ва бармоқни қайта тиклаш» бўлимига келтирадилар. Унга тиббий ёрдам кўрсатилади.

— Ўтган йиллар давомида тўққиз марта операция қилишди. Албатта, ҳаммаси муваффақиятли тугади, — дейди Фотима. Лекин...

Ҳа, лекин яна ўнинчи марта операция ўтказишга тўғри келди. Аммо у Москвада — Травматалогия ва ортопедия марказий институтининг микрохирургия клиникасида бўлиши керак экан. Шунинг учун у Соғлиқни сақлаш вазирлигига мурожаат қилади. Беморларни республика ҳудудидан ташқарига даволаниш ва тиббий текширишлар ўтказиш учун юборишга тайинланган танлов комиссияси унинг талабини ижобий ҳал этди.

Унда муаммо нимада?

Ҳозир бозор иқтисодиёти. Кўп масалалар ҳисоб-китобга тақалади. Ф. Зокированинг Москвага боришим пуллик эди. Ҳатто клиниканинг раҳбари, тиббиёт фанлари доктори, профессор Иван Гришин Фотимага ёзган хатидаям буни таъкидлаб ўтади. «Инсон сифатида аҳволингизни тушунаман. Ўша сабабдан қўлимиздан келадиган барча имкониятларимиз хизматингизда бўлади. Кўрмагандек бўлиб кетасиз... Фақат сарф-харажатларга 15-20 миллион рубль кетишлигиниям айтиб қўйишим керак».

Профессор бу хатни ўтган йилнинг 14 мартида ёзганди. Ўшандан буён Ф. Зокирова сарсон. Гоҳ у, гоҳ бу маҳкамага боради. Мадад сўрайди.

«Ўсимликнинг биологик генетикаси ва тажриба институти томонидан операцияга кетадиган маблағ тўланиши керак эди. Аммо пулни ўтказишга келганда иш тўхтаб қолди».

Ф. Зокированинг шикоят хатидаги бу ҳолатлар инкор этиб бўлмайдиган факт. Ҳақиқатдаям шундай бўлди. Институт маъмурияти ўз ходимидан пулни аяди. Ҳам жисмоний, ҳам руҳий қийноққа тушган ходим бу қадрсизликдан азобланди. Фақат соғ пайтимдагина керак эканман-да, дея ўксинди. Сўнг Президент девонига бориб шу аҳволни баён этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг маъмурий-ҳуқуқий масалалар ва жамоат хавфсизлиги хизмати ўтган йилнинг 7 февралида тезкор мажлис ўтказди. Унинг қарорига кўра, иш туфайли 3-гуруҳ ногирони бўлиб қолган Ф. Зокировани даволашга кетадиган маблағни тўлаш Ўзбекистон Фанлар академиясининг «Биолог» ИИЧБга юклатилди.

Ижро этиш учун юборилган баённома нусхасини олган институт директори, профессор А. Абдукаримов 12 февраль куни «Бемор даволаниши зарур бўлган шифохонадан тўлов қоғози ва шартнома келтирса, жамоа тараққий фондидан тўловга рухсат бераман» дея имзо чекди.

Орадан вақт ўтди. Тошкент — Москва ўртасида ёзув-чизувлардан кейин домла талаб қилган қоғозлар тайёр бўлди. Шундан сўнг А. Абдукаримов 30 апрелда кафолат хатини ёзиб берди. Аммо маблағ ўтказилмади. Баҳона «счёт»да пул йўқ! Вассалом.

Руҳий тушкунлик Фотимани чарчатди. Эндигина балоғат ёшига етган қиз жисмонан айбдор бўлиб қолгани етмагандай, устозлари унга бефарқ эканликларини кўриб дили оғриди. Аламини кўз ёшидан олди. Саломатлигини тиклашига маблағи йўқлигидан баттар йиғлади.

«...Ёрдам сўраб Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакилига бордим. Сансолорликларни айтиб бердим. Ўша заҳотиёқ фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилиши комиссияси аъзоларининг тезкор мажлиси чақирилди. «Ўсимликнинг биологик генетикаси ва тажрибаси» институти маблағ билан таъминлаш чорасини кўришлиги алоҳида қайд этилди».

Ўтган йилнинг 14 октябридаги бу баённома ҳам ижро этилмади. Имконият ва қонун талабларидан келиб чиқиб, маблағ ажратиш пайсалга солинади. Бу орада даволаниш баҳосиям ўсди. Энди 46 миллион рубль ўтказиш керак эмиш. Тоқати тоқ бўлган Фотима шу йил 26 январда сўнгги илинж билан А. Абдукаримовга ариза ёзиб кирди. Масалага очиқ-ойдин ёндошишлигини сўради. «Мақсадли маблағни тўлай олмаймиз, чунки бу ҳолда ҳукумат ва чет эллик партнёрлар олдида мажбуриятимиз бажарилмай қолади. Институтимиз жорий қилаётган ғўза навлари учун ҳукумат маблағ туширса, институтда ривожланиш фонди кўпайиб, сизнинг саломатлигингиз учун маблағ ажратишимизга имкон бўлади».

Директорнинг жавоби ўйлантириб қўйди. Мияда саволлар чарх уради. Тўғри, бизга янги, серҳосил, тезпишар ғўза навлари керак. Аммо инсоннинг саломатлиги-чи? Чет элликлар ва ҳукумат олдидаги мажбуриятлар ҳам зарур. Бироқ саккиз йилдан буён сарсон юрган, хизмат чоғида ногирон бўлиб қолган қизнинг олдида мажбуриятимиз йўқми? Бу ҳақда қачон ўйлаймиз?

Инсон тақдирига бунчалар бефарқ бўлишликни, сансолорликни ҳазм қилиб бўлмайди. Бечора қиз тўй, уй учун пул сўраётгани йўқ-ку! У саломатлигини ўйлаб қайғуряпти. Аслида бу ташаббус институтнинг ўзидан чиқиши керакмасмиди? Унинг кўнглини кўтарсалар қандай ажойиб бўларди-я. Наҳотки, ўтган даврда институтнинг «ҳамёни» ҳамиша бўш турди. Наҳотки, имкон топилмади? Фотима маблағ тушишини яна қанча кутиши керак! Вақт эса ўтиб кетяпти...

Одам-одамга ғанимат. Яхшими, ёмонми, кун ўтаверади. Ўша ўтган лаҳзаларни ҳавас ила ёдга олишга Фотиманинг ҳам ҳаққи бор. У шуни кутиб яшаяпти.

Қурбон ЭШМАТОВ,
«Халқ сўзи»нинг махсус мухбири.

КАДРЛАР ЎҚУВИ

Мамлакатимизда иқтисодиётнинг муҳим тармоғи — қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни янада жадаллаштириш, деҳқонларнинг унумли меҳнат қилиши учун барча шарт-шароитни яратишга алоҳида эътибор берилмоқда. Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг Олий Мажлис ўнинчи сессиясидаги маърузасида, яқинда Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган учрашувда сўзлаган нутқида бу борадаги асосий вазифалар белгилаб берилди.

Сурхондарё вилояти ҳокимлигида қишлоқ хўжалиги барча бўғинлари раҳбар ходимларининг ана шу вазифаларни ўрганишга бағишланган ўқуви бошланди. Беш кун давом этадиган машғулотлар давомида умуммиллий бойлигимиз — ерни асраб-авайлаш, ундан оқилона фойдаланиш, одамларда ерга, мулкка эгалик ҳиссини шакллантириш масалаларига алоҳида эътибор берилади, шу ҳақдаги қонун лойиҳалари ўрганилиб, улар юзасидан фикр-мулоҳаза билдирилади.

Дастлабки машғулотда вилоят ҳокими Ж. Норалиев сўзга чиқди.

Ч. ТЎХТАЕВ,
ЎзА мухбири.

ҚУЁШ ҲАМАЛДАН БОҚҚАНДА...

Азиз юртимизда халқимизнинг энг қадимги байрами — Наврўзнинг сарин еллари эса бошлади. Ҳадемай улар ўзларининг майин қанотларида келтирадиган гулу лолаларининг ҳаётбахш ифори дилларга ажиб ҳузур бағишлайди. Табиат зумрад рангга бурканади...

Наврўз! Халқимизнинг тарихи каби унинг тарихи ҳам неча минг йилларга бориб тақалади. Ровийлар уни бундан қарийб беш минг йил муқаддам яшаган, ҳақгўйлиги туфайли ўтда ёнмай, ноҳақ тўкилган ҳар томчи қонидан гулу чаманлар униб чиққан, эл-юрт орасида мардлик, ҳалоллик, маънавий поклик рамзи бўлиб қолган афсонавий Сиёвуш номи билан боғлайди.

Бошқа манбаларда айтилишича, Наврўзни ярим афсонавий ҳукмдор Жамшид ва Ажам мулкининг биринчи подшоси Каюмарс жорий этганлар. Фирдавсий ўзининг "Шоҳнома"сида Жамшид темир эритиб қурол ясашни, ип йигириб либос тикишни, уй ва бино қуришни ихтиро қилган, одамларни тўрт табақага ажратиб, уларни кийим кийишга ўргатган. Ниҳоят, кунлардан бирида тахт ясатиб, унда осмонга кўтарилган. Бу кун барча ғаму андуҳлар унутилиб, катта байрамга айланган. Мазкур воқеа Қуёшнинг Ҳамал буржига кирган биринчи кунига тўғри келган. Каюмарс эса офтоб шу буржга кирган кунни аниқлаб, йил ҳисобини шу пайтдан бошлашни буюрган.

Кўриниб турибдики, Наврўз олис аждодларимиз ўзлари яшаб турган замин — Ерни, унинг коинотдаги ўрнини теран идрок эта бошлаган замонларда пайдо бўлган ва шаклланган. Умар Ҳайёмнинг "Наврўзнома" китобида бу ҳақда ғоят қизиқарли маълумотлар келтирилган. Аллома бу асарида ўзи ишлаб чиққан Қуёш тақвими (календарь)ни баён этган.

Ҳайёмнинг ёзишича, ўтмиш аждодларимиз Ердаги ҳамма яхши нарсалар, ризқи-рўзу фаровонлик ва шодонлик Қуёш меҳридандир, кимки у Ҳамал буржига кирган биринчи кунни, кеча билан кундуз тенг келадиган Наврўзни байрам қилиб қувонса, кейинги Наврўзгача хуррам ва фароғатда яшайди, деб билганлар.

Хўш, бурж нима? Бурж Қуёшнинг йиллик ҳаракат йўли бўйлаб жойлашган ўн икки юлдузлар туркуми бўлиб, уларнинг ҳар бирининг, шунингдек, у ҳар бир буржда бўладиган вақтдаги ойнинг ўз номи бор. Масалан, Ҳайём юқорида зикр этилган рисоласида Ҳамал буржига оид ойни Фарвардин, деб атайди. Бу "жаннат" маъносини англатади. Қуёш шу буржга кирган вақтда кундуз билан кеча баравларлашади, Ер юзида уйғониш, яшариш, янгиланиш бошланади. Ё бўлмаса, Меҳр ойини олиб кўрайлик. Эл-юрт орасида дўстлик ойи ҳисобланган бу ойда қадимда одамлар ўзлари етиштирган мевачева ва бошқа неъматларни бирга баҳам кўрганлар, бир-бирларига янада меҳрибон ва оқибатли бўлганлар. Қуёш бу ойда куз бошланадиган Мезон буржида бўлади.

Минг йиллар давомида авлоддан-авлодга ўтиб, янги шакл ва мазмун, янги урф-одат, удумлар, анъаналар билан бойиб келган, ёшариш, янгиланиш, меҳнат, меҳр-оқибат байрами шўро замонида диний ақидалар билан суғорилган, деб маломат қилинди, таъқиб остига олинди, эмин-эркин байрам қилинишига йўл қўйилмади.

Шукрлар бўлсинки, йўлбошчимизнинг бевосита ташаббуси билан асрий қадриятларимиз, буюк аждодларимиз қолдирган бебаҳо мерос, уларнинг номлари каби Наврўз ҳам қайта тикланди, мазмунан янада бойиб, айни вақтда истиқлолимиз баҳори байрамига айланди. Бу йил у мамлакатимиздаги етти ҳамда яхши ишлар ичида алоҳида ўрин тутади. Ўзбекистон, Қирғизистон ва Хитой ҳукуматлари ўртасида халқаро автомобиль алоқаси тўғрисидаги битимнинг имзоланиши мамлакатларимиз савдо-иқтисодий ҳаётида муҳим аҳамият касб этадиган ушбу лойиҳанинг ҳуқуқий асосларини белгилаб берди.

Мазкур мамлакатлараро автомобиль йўли қурилиши жадал давом этмоқда. Евроосиё трансконтинентал йўли, деб ном олган, бир-неча ўнлаб мамлакатларни бир-бири билан боғлайдиган ушбу «белбоғ»нинг бир учи Парижу Атлантика океанига бориб уланса, иккинчи учи Хитойнинг Тинч океани қирғоқларидаги портларига бориб туташади. «Ўзавтойўл» давлат акционерлик концерни ва бошқа манфаатдор ташкилотлар қурувчилари кечани-кеча, кундузни-кундуз демай меҳнат қилишмоқда. Улар 25 миллион куб метр ҳажмдаги тупроқ ишларини бажаришмоқда.

Халқаро автомобиль йўли ишга тушса Европа ва Осиё қитъаларини боғловчи энг яқин ва энг қулай масофага эга бўламиз. Биргина мисол: янги йўл Андижон — Қашқар ўртасидаги масофани 740 километрга қисқартиради. Ўзбекистон, Қирғизистон ва бошқа Марказий Осиё давлатлари учун Хитойнинг шарқий портларига йўл очилади. Ўз навбатида Хитой товарлари учун Европага энг қисқа йўл вужудга келади. Айни пайтда Хитой портларидан Европага йўл олган кемалар бутун Осиё қитъасини айланиб ўтмоқда. Кўринib турибдики ушбу йўл лойиҳани амалга ошираётган барча иштирокчи мамлакатлар манфаатларига бирдек хизмат қилади.

Трансконтинентал йўлнинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, учала давлатда ҳам кўплаб иш ўринлари вужудга келади. Йўл бўйларида замонавий хизмат кўрсатиш шохобчалари барпо этилади. Хусусан, битимда қайд этилганидек мамлакатлар ўз ҳудудларидаги йўлларнинг сифатини яхшилаш, мунтазам таъмирлаб туриш, шунингдек контрабанда маҳсулотлари ҳаракатини назорат қилиш мажбуриятини ҳам олишган.

Қадимий Буюк Ипак йўлининг замонавий вориси бўлмиш Тошкент—Андижон—Ўш—Иркештом—Қашқар йўналиши бўйлаб автомобиль карвонлари бугуннинг нафаси ва руҳидан куч олиб, халқларимизнинг мустаҳкам алоқа кўприги бўлиб қоладиган кунлар яқинлиги, дилимизда қувонч ва фахр уйғотмоқда.

Жалолиддин САФОЕВ,
«Халқ сўзи» шарҳловчиси.

ФАКТ ВА ШАРҲ

ҚИТЪАЛАР БЕЛБОҒИ

Ватанимиз иқтисодий қудратини янада оширишда коммуникациялар тармоғи етакчи ўринни эгаллайди. Мустақилликнинг илк йилларидан ҳукуматимиз мазкур соҳага алоҳида эътибор қаратганлиги ҳам бежиз эмас. Бир пайтлар Ғарб ва Шарқ дунёсини боғлаган Буюк Ипак йўлини қайта жонлантириш, замонавий автомобиль ва темир йўлларни барпо қилиш асосий вазифалардан бири сифатида белгиланди.

Тошкент—Андижон—Ўш—Иркештом—Қашқар йўналиши бўйича халқаро автомобиль йўлини қуриш бу борада амалга оширилаётган кенг миқёсли ишлар ичида алоҳида ўрин тутади. Тошкентда Ўзбекистон, Қирғизистон ва Хитой ҳукуматлари ўртасида халқаро автомобиль алоқаси тўғрисидаги битимнинг имзоланиши мамлакатларимиз савдо-иқтисодий ҳаётида муҳим аҳамият касб этадиган ушбу лойиҳанинг ҳуқуқий асосларини белгилаб берди.

Мазкур мамлакатлараро автомобиль йўли қурилиши жадал давом этмоқда. Евроосиё трансконтинентал йўли, деб ном олган, бир-неча ўнлаб мамлакатларни бир-бири билан боғлайдиган ушбу «белбоғ»нинг бир учи Парижу Атлантика океанига бориб уланса, иккинчи учи Хитойнинг Тинч океани қирғоқларидаги портларига бориб туташади. «Ўзавтойўл» давлат акционерлик концерни ва бошқа манфаатдор ташкилотлар қурувчилари кечани-кеча, кундузни-кундуз демай меҳнат қилишмоқда. Улар 25 миллион куб метр ҳажмдаги тупроқ ишларини бажаришмоқда.

Халқаро автомобиль йўли ишга тушса Европа ва Осиё қитъаларини боғловчи энг яқин ва энг қулай масофага эга бўламиз. Биргина мисол: янги йўл Андижон — Қашқар ўртасидаги масофани 740 километрга қисқартиради. Ўзбекистон, Қирғизистон ва бошқа Марказий Осиё давлатлари учун Хитойнинг шарқий портларига йўл очилади. Ўз навбатида Хитой товарлари учун Европага энг қисқа йўл вужудга келади. Айни пайтда Хитой портларидан Европага йўл олган кемалар бутун Осиё қитъасини айланиб ўтмоқда. Кўриниб турибдики ушбу йўл лойиҳани амалга ошираётган барча иштирокчи мамлакатлар манфаатларига бирдек хизмат қилади.

Трансконтинентал йўлнинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, учала давлатда ҳам кўплаб иш ўринлари вужудга келади. Йўл бўйларида замонавий хизмат кўрсатиш шохобчалари барпо этилади. Хусусан, битимда қайд этилганидек мамлакатлар ўз ҳудудларидаги йўлларнинг сифатини яхшилаш, мунтазам таъмирлаб туриш, шунингдек контрабанда маҳсулотлари ҳаракатини назорат қилиш мажбуриятини ҳам олишган.

Қадимий Буюк Ипак йўлининг замонавий вориси бўлмиш Тошкент—Андижон—Ўш—Иркештом—Қашқар йўналиши бўйлаб автомобиль карвонлари бугуннинг нафаси ва руҳидан куч олиб, халқларимизнинг мустаҳкам алоқа кўприги бўлиб қоладиган кунлар яқинлиги, дилимизда қувонч ва фахр уйғотмоқда.

Жалолиддин САФОЕВ,
«Халқ сўзи» шарҳловчиси.

БЎЛАР БОЛА БОШИДАН...

ИҚТИДОРЛИЛАР БЕЛЛАШУВИ

Тошкент шаҳар қўшимча таълим комплексида иқтидорли болаларнинг VII шаҳар слёти бўлиб ўтди. Слётда шаҳар мактабларидан 200 нафар ўқувчи қатнашди. Улар тасвирий санъат, кулолчилик, адабиёт, ганчкорлик, каштачилик ва ёғоч ўймакорлиги касблари бўйича беллашдилар.



— Бу беллашувни ташкил этишдан мақсад — халқимизнинг асрлар давомида шаклланиб ва сайқалланиб келган миллий санъатини қадрлаб, уни сидқидилдан ўрганаётган болаларнинг иқтидорини синаш ва рағбатлантиришдир, — дейди қўшимча таълим комплекси директори Галина Ҳамзаева.

Беллашувда қатнашаётган болаларнинг кўзлари тўла умид, юзларида ҳаяжон. Қўллари эса шунақанги чақкон қимирлайди-ки! Ёғоч ўймакорлиги бўйича беллашув ўтаётган хонага киргинимда, кичкина «уста»ларнинг худди ҳақиқий уста нақкошлардек эпчил ишлаётган бармоқларига қараб ҳавасим келди.

Тошкент шаҳридаги 64-мактаб ўқувчиси Шуҳрат Мирзаҳмедов устози Бахтиёр Қурбоновдан ёғоч ўймакорлигини ўрганаётган экан.

— Ёғоч ўймакорлиги билан шуғулланаётганинг мактабда ўқишингга халақит бермайдими? — деб сўрадим ундан.

— Йўқ, аксинча, ёрдам беради, — жавоб берди Шуҳрат. — Ёғоч ўймакорлиги тўгарагига қатнашаётганимдан бери тасвирий санъат ҳақидаги тушунчам анча кенгайди.

114-мактаб ўқувчиси Нодира Боқиева адабиёт беллашувига қатнашаётган экан. У саккиз ёшидан бери шеърлар ёзаркан, бугун беллашувга «Ўзбекистоним» номли шеърини олиб келибди.

— Совринли ўринни олишингга ишонасанми? — деб сўрадим ундан.

— Албатта, — деди Нодира ҳеч иккиланмай, ишонч билан.

Бу саволни тасвирий санъат, кулолчилик, каштачилик бўйича беллашаётган болаларга ҳам бердим. Уларнинг ҳаммаси ишонч билан биринчи ўринга даъвогар эканликларини айтишди.

Ва, ниҳоят ғолибларни аниқлайдиган фурсат ҳам келди. Ҳайъат ҳакамлари Ўзбекистон халқ рассоми Алишер Мирзаев, Камолиддин Беҳзод номидаги миллий рассомлик ва дизайн институти проректори Н. Абдуллаев ва «Гулхан» журналининг бош муҳаррири С. Барноєвлар ғолибларни эълон қилдилар. Адабиёт беллашувида шаҳар қўшимча таълим комплексидаги ёш ижодкорлар тўгараги аъзоси Шуҳрат Пўкаев; каштачилик бўйича 316-мактаб ўқувчиси Шаҳноза Муҳамедова; ёғоч ўймакорлиги бўйича 316-мактаб ўқувчиси Жавоҳир Алиев; ҳайкалтарошликдан Миробод тумани қўшимча таълим комплекси тўгарак аъзоси Зулубқор Юсупов; тасвирий санъат беллашувида 43-мактаб ўқувчиси Севил Алиева ва нақкошликдан Собир Раҳимов туманидаги қўшимча таълим комплекси нақш тўгараги аъзоси Абдулла Рустамовлар ғолиб деб топилди. Ғолибларга эсдалик совғалари топширилди.

Бу болакайларнинг эртанги кунига ишонч билан қараб, ўз халқининг миллий санъатини янада юксалтиришдек савобли ишга бел боғлаганларидан фахрланасан киши. Мана шунақанги иқтидорли фарзандлари ўсиб, воягa етаётган элнинг эртанги куни янада гўзалроқ бўлмоғи шубҳасиздир.

М. ЙЎЛДОШЕВА,
«Халқ сўзи» мухбири.

СУРАТЛАРДА:

1. Иқтидорли кичкинтой ҳайкалтарошларнинг беллашувига (ўнгдан чапга) шаҳар қўшимча таълим комплекси директори Г. Ҳамзаева, маърифий уюшмаси бош директори Махмут Бал; «Uz-SILM» ўзбек-турк маърифий уюшмасининг бош маслаҳатчиси В. Шариповлар ташриф буюрдилар.

2. Ёш нақкошлар маҳорати кўзларни қувнатади.

3. Чеварларни йўлда қолдиради бу каштачи қизлар.

ДИҚҚАТ, ЯНГИЛИК

ЭКАЁТГАН ЧИГИТИНГИЗ СОҒЛОММИ?

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясига қарашли Убай Орифов номидаги электроника илмий-тадқиқот институти қаттиқ жисм сиртига зарядланган зарраларнинг ўзаро таъсирини ўрганадиган жаҳонда етакчи марказлардандир. Унинг асосий вазифаларидан бири илмий изланишлар олиб бориш билан халқ хўжалигини ривожлантиришга ҳисса қўшишдир. Институтда кейинги йилларда ўнлаб янги ихтиролар қилинди. Шулардан кўпчилигининг лицензияларини жаҳоннинг тараққий қилган давлатлари (Япония, Швейцария ва бошқалар) сотиб олди. Айни пайтда пахтачиликни ривожлантириш бўйича ҳам талай ишлар қилинди.

Институт олимларидан бир гуруҳи кўп йиллардан бери пахтанинг физикавий хоссаларини ўрганишга алоҳида аҳамият бермоқда. Илмий ходим Ғофур Абдурашидов чигитни туксизлантирадиган дастгоҳ яратди. Унинг ҳамкасби Воҳид Тўйчиев эса кўп йиллардан бери уруғлик чигитни саралаш устида ишлаб, махсус дастгоҳ ихтиро этди ва бу айни вақтда республикамиз пахта заводларида ишлатилмоқда. Маълумки, бир гектар ерга туксизлантирилмаган ва саралаймаган чигитдан экилса, 100-120 кг. кетади. Бироқ шунча майдонга туксизланган, яхши сараланган чигит қадалса, атиги 19-20 кг. сарфланади ва қўшимча яганалашга ҳожат қолмайди. Уруғларнинг кўпчилиги бир текис униб чиқиб, гектарига пахта ҳосили камида 3—3,5 центнерга ошади.

Катта илмий ходим, физика-математика фанлари номзоди Виктор Крахмалёв кўп йиллардан бери экиладиган уруғлик чигитнинг магзи тўла ва соғлом бўлишини аниқлаш устида ишлаб, ренген телевизион мослама яратди. Одатда саноат миқёсида сифатли, соғлом чигит уруғини аниқлаш жуда ҳам қийин. Чунки уруғлик чигит таркибида ҳам носоғ, зараркунандалар билан зарарланган, туксизлантирилган пайтда шикастланганлари ҳам бўлади. Зарарланган, шикастланган, экишга яramайдиган уруғлик чигитни оддий кўз билан аниқлаш қийин. Шунинг учун турли пахта навларининг уруғлик чигити лабораторияда усулида экилганда, қанчаси униб чиқиши номаълум, чунки уруғларнинг соғломлиги ва тўқлилигига кафолат йўқ.

Олим Виктор Крахмалёв яратган уруғлик чигитни аниқлаш усули рентгенографияга асослангандир. Текширилаётган уруғ телевизор экранида яққол кўриб турилади. Бу усул орқали уруғ магзининг тўла-тўкислиги, ядросининг шикастланган ёхуд шикастланмаганлиги ҳамда зараркунандалардан зарар кўрмаганлигини аниқ кўриш мумкин. Агар янги ихтиро усули ЭҲМ билан биргаликда олиб борилса, натижасини сўз билан ифодалаб бўлмайди. Негаки бу усул билан ажратилган уруғлик чигит текис униб чиқади. Ғўзалар бир хил баландликда ўсиб, яганалашга ҳожат қолмайди. Экиладиган уруғлик чигит миқдори 80 фоизга қисқаради. Энг муҳими ҳосилдорлик ошиб, пахта тез пишиб етилади. Ҳосил ёғингарчилик бошланишидан олдин йиғиштириб олинади. Бундан ташқари бу содда усул билан қишлоқ хўжалигида экиладиган бошқа ўсимликлар уруғларини танлаш имконияти ҳам туғилади. Бу янгилик ҳозирда селекцияда ишлатиб келинаётган барча усуллардан энг ишончлисидир.

Илҳом ШЕРМУҲАМЕДОВ.

ҒОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ

Андижонда вилоят тадбиркорлари, ҳунарманд ва фермерларининг "Ташаббус-97" кўрик-танлови якунланди. Унда барча шаҳар ва туманларда бўлиб ўттан шундай танловларнинг ғолиблари иштирок этди.

Шаҳрихондаги "Ривож" фирмасининг бошлиғи Комилжон Отахонов "Энг яхши тадбиркор" деб топилди. Андижон шаҳридан миллий чолғу созлар устаси Абдумалик Мадраимов "Энг яхши ҳунарманд", Андижон туманидаги "Усмонхожи" деҳқон (фермер) хўжалиги бошлиғи Абдураҳмон Болтабоев "Энг яхши деҳқон(фермер)" деб тан олинди. Ғолиблар республика "Ташаббус-97" кўрик-танловида қатнашади.

К.НИЗОМОВ,
ЎзА мухбири.

Чет эл технологияси ва хом ашёсидан лак-бўёқ маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи Марказий Осиёда ягона қўшма корхона

"Лок колор синтез"
ишлаб чиқарувчи заводи

янги арзонлаштирилган нархларда

УНИВЕРСАЛ ЭМАЛЛАРНИ,
ФАСАД ЭМАЛЛАРИНИ,
МАТЛИ ЭМАЛЛАРНИ,
Шифт ва деворлар учун
БЎЁҚЛАРНИ
таклиф этади.
КЕНГ ЁЙИЛГАН РАНГЛИ ГАММА!

СОТИБ ОЛАМИЗ: Сиккатив, флотореагент, 3-5т савдо ер тарозиси, 0,25х712х820 ўлчамли ЭЖК оқ ва ГЖК қора тунукалари.

Манзилимиз: Тошкент, Фарғона йўли, 35.
Тел.: (371) 191-44-46, 191-47-41.
Факс: (371) 191-74-63.
111

ҚЎШМА КОРХОНА ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ ОМБОРИДАН
«Ле сафр» фирмасида ишлаб чиқарилган
ҚУРУҚ, ФАОЛ, ТАБИИЙ хамиртуруш ТАКЛИФ ЭТАДИ.
Новвойлик учун
"Safinstant" - яшикларда 11 граммли 1000 та қоғоз халтачаларда; - яшикларда 500 граммли 20 та қоғоз халтачаларда;
"Saflevure" - яшикларда 100 граммли 100 та қоғоз халтачаларда; - 25 кг қопларда
қуруқ хамиртурлар.
Сақланиш муддати 1999-йилгача.
Франциялан тўғри етказиб берилади.
"Ўздонмаҳсулот" корхоналари сотиб олиш учун устунлик ҳуқуқига эгадир.
Тел.: /371/ 139-47-52, 139-47-34.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки жамоаси Марказий банк техника хавфсизлиги бўлими бошлиғи **Ирисбой НУРУЛЛАЕВ**нинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан унинг оила-аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент китоб-журнал фабрикаси маъмурияти корхонанинг кекса ишчиси, уруш қатнашчиси **Тоир ИСМОИЛОВ**нинг вафоти муносабати билан унинг оила- аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

«Фармако» ишлаб-чиқариш ва савдо компанияси жамоаси бош директор Эркин Жўраевга волидаи муҳтарамаси **БАХРИ аянинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

NAGANO 1998

НАГАНОДА 15 КУН

Шу йилнинг 22 февраль куни Наганода (Япония) XXYIII қишки олимпиаданинг байроғи туширилди. Унда нақ 15 кун мобайнида дунёнинг 72 мамлакатидан ташриф буюрган минг-минглаб спортчилар қатнашдилар. Умумкоманда ҳисобида дастлабки 3 ўринни Германия (29-медал), Норвегия (25-медал) ва Россия спортчилари (18 медал) эгалладилар.

ХОККЕЙ МУСОБАҚАСИДА

Олимпиада дастуридаги хоккей (эркаклар) мусобақасининг ҳал қилувчи учрашувида яъни финалда Россия ҳамда Чехия терма командалари ўзаро куч синашдилар. Ўйин камданкам учрайдиган ҳисоб - 1:0 натижа билан тугади. Олимпиаданинг олтин медали Чехия терма командаси аъзоларига топширилди.

Учинчи ўрин (бронза медал) Финляндия хоккейчиларига насиб этди. Сўнгги учрашувда улар Канада терма командасини 3:2 натижа билан мағлуб этишди.

ҲАМЮРТИМИЗ 28-ЎРИНДА

Чанғичилар (слалом) мусобақасида хорижлик тенгқурлари билан баҳс бойлашган юртдошимиз К. Ўримбоев 32 мамлакат спортчилари ўртасида 28 - ўрин билан кифояланди.

БЬОРН ДЭЛИНИНГ САККИЗИНЧИ ОЛТИН МЕДАЛИ

Норвегиянинг чанғи устаси Бьорн Дэлининг номи тарихда қоладиган бўлди. Негаки у умри мобайнида саккиз бор олимпиада олтин медалини қўлга киритди. Шундан иккитасини Наганода олишга муяссар бўлди. Энг ажабланарлиси шундаки, Дэли барча медалларни бор йўғи уч олимпиадада қўлга киритган дунёдаги энг ягона спортчидир.

«Халқ сўзи» мухбири Нормурод МУСОМОВ тайёрлади.

1998 йил — Оила йили

Бу суратга боқиб, унинг кимлигини эмас, нималигини дарров пайқаб оласиз. Ҳар бир ўзбек хонадонида учратишингиз мумкин бу ҳолни. Ахир, «Ўнг қўлимда игна-ю, тиззамда кашта» қўшиғи ҳам беҳуда тўқилмаган, ахир. Аслида қизалоқнинг катта ҳаёт йўли ана шу нуқтадан бошланади. Илк сабоқ онаники! Илк таҳсил оиланики!

Ҳа, ўзбек хонадонининг кундалик турмушидан бир лавҳа бу. Зотан, фотомухбиримиз Тўлқин Каримовнинг бир нигоҳига муҳрланган бу лаҳза сизу бизнинг шууримизга равшан ёғду бериши, камолот пиллапоялари сари одимлантириши, табиий.

ОИЛА ТЕГРАСИДАГИ ЎЙЛАР

ОЙНИНГ ЎН БЕШИ ЁРУҒ...

Биз қимматбаҳо либосларимизни аяб-аяб киямиз. Биллур идишларни артиб, ярқиратиб жавоннинг энг юқорисига жойлаймиз. Кўзимизга яқин неки бор, ҳаммасини авайлаймиз, асраймиз. Лекин баъзан гулдай оиламиз шаънини шу жонсиз буюмларчалик ҳам асрай олмаймиз. Нега?

«Қушнинг ҳам уяси бузилмасин» деган гап бор. Қушнинг ини бузилса, кушга жабр. Чиркиллаб қолган полопонларига жабр. Агар инсоннинг оиласи бузилса-чи? Бундай фожиадан теварак-атрофдагиларга жабр. Оила фожиаси — жамиятга жабр.

КЎНГИЛ КЎНГИЛДАН СУВ ИЧСА

Болалигимдаги бир воқеа хотирамга муҳрланиб қолган.

Сардор ака ўқишга отланганида уч фарзандининг отаси эди. «Кеч бўлса-да ўқиб, диплом олволай», деди. Омади чопиб турган экан, институтга кириб кетди. Энди ҳар ойда икки-уч марта уйига келиб-кетарди.

Кўпни кўрган Солия амма бир куни Сардор аканинг аёлига шипшиди:

— Сумбулаой, шаҳар ҳавосини олган одам шаҳарча ўйловда бўлади. Қишлоқ-қаям шаҳар кўзи билан келади. Куёв келар маҳали сен ўзингга кўпроқ оро бер, болаларни чақмоқдай қилиб кўй. Бўлар-бўлмас нарсаларни айтиб дилини хира қилма. Яхши гапир. Кўнгли бўлинмасин.

Сумбула янга кулди:

— Ёқсам шу ҳолимча ёқаверарман у кишига. Буёқда уч боласи бор, нега шаҳарга кўнгли бўлиқаркан?!

— Айтдим-кўйдимда, — деди Солия амма.

Орадан бир йил ўтиб... «Сардор уйланибди» деган гап тарқалди. Миш-миш ростга айланди. Сардор ака қишлоққа келмай қўйди.

Ўшанда Солия амма тиззасига муштлаб куюнди:

— Келинга мен юз бора айтдим-а, устамонроқ бўлинг, деб. Хотин киши қадди-бастини ҳамиша эркакка мослаши керак-да. Агар эр ўқишга мук тушса, аёл ҳам қўлига китоб ушлаши керак. Эр бир яхши сўзни айтса, аёл ундан ҳам чиройлироғини топиб айтсин. Ахир кўнгил-кўнгилдан сув ичиб турмаса бўларканми?!

— Оилада эр (ёки аёл)нинг савияси оша борса, унинг умр йўлдошига талаби ҳам оша боради, — дейди бу ҳақда руҳиётшунослар.

Ҳуллас, ўшандан сўнг шаҳарга ишга ё ўқишга кетаётганларга қариндошлари «Ижарахона олиб, келинни, болаларни олиб кетасан», дея шарт қўядиган бўлишди. Бундай воқеа бошқа такрорланмади. Лекин Сумбула янганинг болалари балоғатга етиб, уй-жой қилгунларига қадар шаҳардаги отасига илҳақ бўлиб яшашди.

«ТУРМУШ СИНОВ ЭКАН...»

АЁЛ МАКТУБИДАН: «Биз жуда бахтли яшардик. Турмушимизга ҳамма ҳавас қиларди. Учинчи фарзандимнинг туғилишида қаттиқ беморландим, хасталик мени тўшакка йиқитди. Шифокорлар эримга «Ҳозирча аёлингизнинг касали жиддий, вақти келиб батамом соғайиши ҳам мумкин. Агар авайламасангиз, ногирон бўлиб қолади» дейишди. Шундан сўнг бир ярим йилча ўрнимдан туролмасдан ётдим. Аввалига кўнглимга қараб юрган эрим бирданига ўзгариб қолди. Кейин у бизни ташлаб уйдан бутунлай чиқиб кетди. Ўшанда қайнонамнинг йил маъракаси ўтганди. Қайнотам эса ўглини йўлдан қайтаролмади. Сўнг отам мени уч фарзандим билан олиб кетди. Бошимга тушган кўргуликлардан аҳволим баттар оғирлашди. Ҳаётдан совиб кетдим. Лекин болаларим жуда ёш. Шулар учун ҳам яшашим керак. Бир қарашда турмуш деганлари бир синов экан. Биз шу синовдан ўтолмадик. Эримни унчалик айбламайман, ахир у ҳам дунёда бир марта яшайди-ку...»

Хатни ўқиб, кўнглимдан кечди:

— Аёл-чи? Аёл дунёда неча марта яшайди? Бокиралиги, ёшлиги, меҳр-муҳаббатини эрига нисор этиб, жонидан яралган уч фарзандни дунёга келтирган аёлга ҳам ҳаёт бир марта берилган эмасми? Қулиб-яйраб, соппа-сог юрганида эрга азиз бўлган аёл хасталаниб тўшакка михланганида нокерак бўлиб қолаверадими? Эрлик бурчини, оталик масъулиятини унутган бесабр эркакка қандай жазо бор?!

ФОЖИАНИНГ ИЛДИЗЛАРИ

Тақдиридан нолиган аёлни тинглаб, унга ачинасиз. Лекин унинг ҳасратлари изидан борсангиз, бутунлай бошқача манзара.

— Тикиш-чатишни билмайди, — дейди шу аёлнинг эри. — Эгнидаги кийимининг оҳори тўкилмасданоқ бошқасини олади. Бунинг устига ҳар куни ғидибиди. Топганимни тежаб-тергаб, уйни гулдек ясатиб, болаларни ювиб-тараб ўтирса, мен унга қаттиқ гапириб, кўл кўтарармидим?!

— Ўйга ҳеч қайишмайди, — дейди унинг аёли. — Топганини кўчага сарфлайди. Эркак бўлиб, рўзғорнинг юкини елкасига олганида мен кўз ёшимни оқизиб, икки бола билан отамникига кетармидим?!

Шу каби дилхираликлар катта жанжалларга сабаб бўлади. Муносабатлар кескинлашади. Оила пардек тўзғийди. Кейин-чи? Маълум вақт ўтиб, эркак ҳам, аёл ҳам ўз «тенги»ни топиб олишади. Бироқ...

— Бу аёл ҳам менга бахт беролмади. Эл ичида шарманда бўлганим қолди, — дейди кунлардан бир куни эркак.

— Бунисига тегиб, нима топдим? Кўз очиб кўрганимни йўлга солсам бўларди-ку, — дея кўз ёш тўкади аёл ҳам.

Болалар эса аро йўлда. Улар тирик етим, маъюс, журъатсиз. Улар ўксик ва аламзада.

Таниқли руҳиётшунос Ғайрат Шоумаров бир суҳбатда шундай деганди:

— Болаларнинг ақлий, жисмоний, ахлоқий тарбиясига, аввало, оилада асос солинади. — Мактаб бу тарбияни ривожлантиради холос. Уйдаги тарбия нотўғри экан, уни мактаб ҳам тўғрилай олмайди. Аслида ота-она — санъаткор, бола — санъат асари, тарбия эса санъатнинг ўзидир.

Демак, мукаммал санъат асари яратиш учун «санъакорлар»нинг ўзлари ҳамжиҳат, якдил бўлмоғи керак экан-да!

Бир пайтлар энам айтардилар: « Асли ҳар бир эркак ва аёлни Яратганнинг ўзи билиб қўшади. Оилада биров босиқроқ, биров тетиқроқ бўлиши шундан. Бирови баландлаганда бирови паст тушиб турмаса рўзғор рўзғор бўлармиди?!

«Ойнинг ўн беши қоронғу бўлса, ўн беши ёруғ...»

Турмушнинг чиғириқлари, пасту баландига ишора қилиб айтилган нақл бу. Юрагимиздаги меҳр ва садоқатимиз чин бўлиб, қоронғу кунларимизни шамчироқдай ёритсагина чароғон кунларга тезроқ етамиз.

«Аллоҳ сабрли бандалари билан биргадир», дейилади муборак Ҳадисларда. Турмуш машаққатларидан сўнг ёруғ кунлар ҳам борлигини ҳамиша ҳис этиб яшаганимиз маъқул. Ахир, оила шаънини асрамоқ ҳар нарсадан муҳим, ҳақиқий бахт эса оила тинчлигидадир.

Гулчеҳра ЖАМИЛОВА.

ДУНЁ ДАРАКЛАРИ

БИТИМ ИМЗОЛАНДИ

Бағдодда БМТ Бош котиби Кофи Аннан ва Ироқ Бош вазири ўринбосари Тариқ Азиз халқаро ҳамжамият ва ушбу мамлакат ўртасидаги битимни имзолашди. Мазкур битимга кўра БМТ инспекторлари Ироқ Президентининг барча қароргоҳларини инспекция қилиш ҳуқуқига эга бўлишди. Бундан ташқари Ироқ ҳукумати томонидан илгари сурилган инспекторлардан иборат комиссия фаолиятига икки ойдан сўнг, чек қўйиш талаби кун тартибидан олиб ташланди. Бир сўз билан айтганда, Ироқ БМТнинг барча талабларини қондирди.

АҚШ Давлат котиби М. Олбрайт Ироқ билан БМТ ўртасида имзоланган битим Қўшма Штатлар миллий манфаатларига жавоб бермаса, ҳарбий зарба бериш режаси ўз кучида қолади, деб баёнот берди.

САЙЛОВЛАРДАГИ ТЎҚНАШУВЛАР

Ҳиндистон парламентига бўлиб ўтаётган сайловлар чоғида турли сиёсий партиялар тарафдорлари бир-бирларига қарши куч ишлатиб, қонли тўқнашувлар содир этишган. Олинган маълумотларга қарганда, ана шундай тўқнашувлар пайтида 20 нафар одам ҳалок бўлган.

«ГЎЗАЛЛАР» НОРОЗИЛИК РАМЗИ

Беларусда ёшларнинг кўплаб сиёсий ташкилотлари бўлиб, уларнинг аксарияти эркин фаолият олиб боришдан маҳрумдир, деб хабар беради Россия жамоат телевидениеси. Шу боис, мухолифатдаги айрим ёшлар ташкилотлари мавжуд режимга нисбатан ўз норозиликларини «Гўзаллар танлови» ўтказиш билан изҳор қилишган. Ушбу ташкилотларга аъзо бўлган ёш қизлар саҳнага турли либосларда чиқиб, ўз фикрларини очиқ-ойдин айтишга журъат этишган.

Нил дарёси соҳилида қад ростлаган ушбу қадимий ибодатхона Асуан шаҳрининг энг гавжум қадамжоларидан биридир.

ВАЗИРНИНГ САФАРИ САМАРАЛИ БЎЛДИ

Япония ташқи ишлар вазирининг Россияга сафари самарали ўтди. У дастлаб Президент Б. Ельцин билан учрашди. Сўнгра Бош вазир В. Черномирдин ва ҳамкасби Е. Примаков билан музокаралар олиб борди. Музокараларда асосан Президент Б. Ельциннинг Японияга қиладиган норасмий ташрифи ва шунингдек, Сахалин қирғоқларидаги нефть конларини биргаликда ишга солиш масалалари муҳокама қилинган.

ЯНГИ ДОРИ КАШФ ҚИЛИНДИ

Исроиллик бир гуруҳ олимлар грипп касаллигидан сақловчи, анча самарали дорини кашф қилишди. Янги дорининг асосини липозом — қонда бўладиган майда ёғ пуфакчаларининг таъсири ташкил этади. Уларга лимфада ҳосил бўладиган оқсиллар юборилади. Натижада организмнинг иммунитет тизими кучаяди.

Хориж оммавий ахборот воситалари хабарлари асосида тайёрланди.

ДУНЁ ДАРАКЛАРИ

ТАНЛОВ

БИР ЙИЛДА ИККИ МАРТА ЎТКАЗИЛАДИ

Яқин вақтларгача турли мавзудаги танловлар асосан маълум бир касб, ҳунар эгалари орасида ўтказилар эди. Шу йил бошида вилоят тадбиркорлар уюшмаси Фарғона вилоятида ижод қилаётган журналистлар ўртасида танлов ўтказиш ташаббуси билан чиққан эди. Яқинда уларнинг бу хайрли тадбирларидан Фарғона вилоят Табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси мутасаддилари ҳам ибрат олишди.

Қўмита бошқаруви Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларини демократлаштиришни қўллаб-қувватлаш ижтимоий сиёсий жамғармаси Фарғона бўлими билан ҳамкорликда «Табиатни асраш, замин бойликларидан оқилона тадбиркорлик билан фойдаланиш, ёш авлод ўртасида табиатга бўлган меҳр ҳиссини ўйғотиш ва талқин қилиш мавзуларида ижод қилаётган адиблар, журналистларни рағбатлантиришдан иборатдир.

Шуниси қувончлики, танловда вилоятдаги шаҳар, туман газеталари, телевидение ва радио эшиттириш жамоаларидан ташқари республика оммавий ахборот воситалари жамоалари ходимлари ҳам бемалол иштирок этиши мумкин. Танловнинг бир йилда икки марта ўтказилиши ҳам ижодкорларга айни муддао бўлди.

С. НАБИЖОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

«НАВОИЙДОНМАҲСУЛОТ»
ИШЛАБ ЧИҚАРИШ АКЦИОНЕРЛИК УЮШМАСИ БОШҚАРУВИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

1998 йил 5 март куни соат 10 да Навоий шаҳар Спутник қўрғони «Навоийдонмаҳсулот» ИЧАУси акционерларининг йиллик ҳисобот йиғилиши бўлади.
Рўйхатдан ўтказиш эрталаб соат 9 да бошланади.

КУН ТАРТИБИ

1. Уюшманинг ҳисобот давридаги фаолият тўғрисидаги ҳисоботи.
2. Молиявий-хўжалик йили бўйича тафтиш комиссияси ва аудитор текшируви натижалари тўғрисида.
3. Даромадларни тақсимлаш дивидендларини тарқатиш тўғрисида.
4. Ҳар хил масалалар.

Йиғилиш қатнашчилари рўйхатдан ўтишда қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим:
– ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжат (паспорт)
– акционерлик вакили — нотариусдан тасдиқланган ҳужжат.

Маълумот учун тел: 3-33-10.

Реклама ва эълонлар 136-09-25

МУНТАЗАМ, КАФОЛАТЛИ, АРЗОН ВА ҚУЛАЙ!

"ТРАНСАЭРО" нинг янги нархлар тизими ва компания хизмати ҳамма учун қулай имконият яратади. Ҳар бир йўналишда энг арзон нархлар таклиф этилади. Сиз сайри-саёҳатга чиқишни режалаштирган бўлсангиз, "ТРАНСАЭРО" агентликлари хизматингизда. Биз энг арзон нархларда сиз учун қулай бўлган йўналишларда, тез фурсатда ва замонавий аэробусларда хизмат кўрсатишга тайёрмиз.

"ТРАНСАЭРО" Россия, МДҲ ва чет давлатларнинг 29 шаҳарларига доимий парвозларни амалга оширади. Кафолатли самолётлари, тажрибали учувчилари бўлган "ТРАНСАЭРО" Сизнинг талафотсиз учишингизни кафолатлайди.

Сиз шинамликни ёқтирсангиз, аниқликни қадрласангиз ва ортиқча харажатларга рўйхуш бермасангиз, "ТРАНСАЭРО"дан яхшироқ компанияни топа олмайсиз.

Авиабилетлар савдоси Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида амалга оширилади

"ТРАНСАЭРО" АВИАКОМПАНИЯСИ БИЛАН ЖАҲОН КЕЗИНГ

"ТРАНСАЭРО" авиакомпаниясининг ваколатхоналари. **Тошкент, Халқлар дўстлиги, 6а.**
Ахборот ва билетлар буюртмасини қуйидаги телефонлар орқали амалга оширишингиз мумкин:
(371) 133 9935, 133 7638
Билетлар душанбадан жумагача соат 9.00 дан 18.00 гача сотилади, 13.00 дан 14.00 гача тушлик.
Шанба куни 9.00 дан 17.00 гача ишлайди, дам олиш куни якшанба.

ТРАНСАЭРО АВИАКОМПАНИЯ

ХАЛҚ СЎЗИ • НАРОДНОЕ СЛОВО

Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

БЎЛИМЛАР:
Парламент 133-57-34;
Ҳуқуқ ва қонунчилик 136-07-94;
Иқтисодиёт 136-36-65;
Қишлоқ хўжалиги 136-37-85
Маънавият 136-35-60, 132-10-65;
Хатлар 136-29-89, 133-07-48;
Фан, туризм, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик 132-12-08;
Халқаро ҳаёт 132-11-15;
Котибият 133-10-28;
Эълонлар 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 0001
Буюртма Г — 0984, 41579 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2
Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Рустам АЗИМОВ ва Сергей ЛУКИН томонидан саҳифаланди.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — Ж. Сафоев.
Навбатчи — О. Раҳимов.
Мусаҳҳиҳ — Ф. Усмонов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.
Босишга топшириш вақти—21.00 *Босишга топширилди: 23.00* 1 2 3 4 5 6